

## **ҲАВЗАДАГИ СУВ ОМБОРЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **Заркент сув омборини тавсифи**

Заркент сув омбори Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида, Наманган шаҳридан 65 км шимолда жойлашган. Сув омборининг тури қуйилма бўлиб оқимнинг бошқарибуви мавсумий ҳисобланади. Заркент сув омборини биринчи марта тўлдириш 1983 йилда амалга оширилган ва сув омбори доимий фойдаланишга 1984 йили қабул қилинган. Иншоотларнинг зилзила бардошлиги 8 балл ва гидротехник иншоотлари II-синфга мансуб. Сув омборининг лойиха бўйича тўла ҳажми 16 млн.м<sup>3</sup> га teng. Сув омборини тўлдириш “Корғин” сув келтирувчи канали орқали амалга оширилади. Сув омборини куришдан асосий мақсад Янгиқўрғон туманидаги суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилашдан иборат.

### **Заркент сув омборининг морфометрик тавсифи қўйидагилардан иборат (лойиҳавий);**

- Сув омборининг ҳажми;**
  - тўла ҳажм – 16,0 млн.м<sup>3</sup>;
  - фойдали ҳажм – 15,5 млн.м<sup>3</sup>;
  - ўлик ҳажм – 0,5 млн.м<sup>3</sup>;
- Сув омбори ҳавзасининг узунлиги (бўйи) – 1,06 м;**
- Сув омборининг эни;**
  - максимал – 1,8 м;
  - ўртacha – 1,2 м.
- Сув омборининг чиқурликлари;**
  - максимал – 39,0 м;
  - ўртacha – 22,0 м.
- Сув омборининг юзаси;**
  - Меъёрий димланган сатҳида (МДС) – 1,10 км<sup>2</sup>;
  - Ўлик сув сатҳида (ЎСС) – 0,16 км<sup>2</sup>.
- Сув сатҳи белгилари;**
  - Меъёрий димланган сатҳи (МДС) – 1098,2 м;
  - Ўлик сув сатҳи (ЎСС) – 1070,0 м.